

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1869-ҳадис

1869/5484 – حَدِيثُ عَدِيِّ بْنِ حَاتِمٍ تَقَدَّمَ قَرِيْبًا، وَزَادَ فِي هَذِهِ الرَّوَايَةِ: « وَإِنْ رَمَيْتَ الصَّيْدَ

فَوَجَدْتَهُ بَعْدَ يَوْمٍ أَوْ يَوْمَيْنِ لَيْسَ بِهِ إِلَّا أَثَرُ سَهْمِكَ فَكُلْ، وَإِنْ وَقَعَ فِي الْمَاءِ فَلَا تَأْكُلْ».

1869.5484. Адий ибн Ҳотим розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Агар итингни тасмия айтиб овга қўйсанг ва у тутиб, ўлдирса, еявер. Агар еб қўйган бўлса, сен ема, чунки уни фақат ўзи учун тутган бўлади. Агар у Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган итларга аралашиб кетиб, кейин улар ҳам тутиб, ўлдиришган бўлса, емагин, чунки сен қайси бири ўлдирганини билмайсан. Агар ўлжани отсанг-у, уни бир-икки кундан кейин топсанг ва унда фақат сенинг ўқингнинг изи бўлса, еявер. Агар сувга тушган бўлса, емагин».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI